

## ANALYSIS OF HUMAN CAPITAL INVESTMENT AND ITS SIGNIFICANCE

Ирискулов Темур Хайрулла угли

Тошкент молия институти

Бухгалтерия хисоби ва аудит факультет талабаси

In this article, the effect of public investment in human capital in the socio-economic development of the country and the importance of reforms in this area, as well as the effectiveness of investments in human capital within the enterprises and the level of efficiency is assessed and analyzed in a number of ways. The economic significance of investments in human capital is widely disclosed and the issues of their development are considered.

**Keywords:** Investment, human capital, labor resources, labor productivity, education level, investment in human capital, economic growth

## ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАХЛИЛИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Мазкур мақолада мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида инсон капиталига давлат томонидан йўналтирилган инвестициялар самараси ва ушбу йўналишда қилинаётган ислоҳотларнинг аҳамияти келтириб ўтилган шунингдек, инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини корхоналар доирасида ўрганилган ва самарадорлик даражаси баҳоланиб бир қанча усуллар билан амалий таҳлил қилинган ҳолда ёритилган. Инсон капиталига инвестицияларнинг иктисодий моҳияти кенг очиб берилган ва уларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Инвестиция, инсон капитали, меҳнат ресурслари, менат унумдорлиги, таълим даражаси, инсон капиталига инвестициялар, иктисодий ўсиш.

## АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИЙ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И ЕГО ЗНАЧЕНИЯ

В данной статье рассматривается влияние государственных инвестиций в человеческий капитал на социально-экономическое развитие страны и важность реформ в этой области, а также эффективность инвестиций в человеческий капитал на предприятиях и практический анализ ряда методов оценки уровня эффективности. Экономическая значимость инвестиций в человеческий капитал широко раскрывается и рассматриваются вопросы их развития.

**Ключевые слова:** инвестиции, человеческий капитал, трудовые ресурсы, производительность труда, уровень образования, инвестиции в человеческий капитал, экономический рост.

.

## КИРИШ.

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида инвестициянинг ўзига хос ўрни мавжуд. Шу сабабдан, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясининг

устувор йўналиши сифатида иқтисодиётга инвестицияни жалб этишга эътибор қаратилган ҳолда инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестицияни ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асосида кўпайишига эришиш бўйича таклиф - тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Инвестициялар қайси кўламда бўлишидан қатъий назар иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида тан олинади. Шу боисдан, мамлакатда инвестицион муҳит учун шароитлар етарли даражада яратилган. Хусусан: мамлакатда сиёсий барқарорлик мавжуд; ташқи иқтисодий фаолият юзасидан қонунчилик базаси, инфратузилма барпо этилган; қулай географик жойлашувга эга; минерал-хом ашё ва меҳнат ресурсларининг етарли мамлакат ҳисобланади.

Илмий изланишлардан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки инсон капиталига инвестициялар давлат ва хусусий сектор, оила ҳамда алоҳида шахслар томонидан молиялаштирилади. Шу жумладан, 2019- йилда инсон капиталига инвестициялар масаласига юқори даражада эътибор қаратилди. Бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида келтириб ўтилганидек мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошланган ислоҳотлар натижасида 2019-йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оиласиб болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилиди. 2019-йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016-йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишига қабул қилинди.

Инсон капиталига давлат томонидан йўналтирилган инвестициялар самараси мамлакатнинг иқтисодий ўсиши билан белгиланса, хўжалик юритиш субъектларида ходимларнинг меҳнат унуми, фаолиятдан фойда(даромад)ни ортиши каби қатор сифат кўрсаткичларининг ижобий натижасига кўра баҳоланади. Оилада инсон капиталига инвестиция самарадорлиги таълим-тарбия, ишбилармонлик қобилиятининг ортиши билан баҳоланади

### **МАВЗУГА ОИДА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Мазкур илмий тадқиқот иши бевосита хўжалик юритиш субъектларида ташқи иқтисодий фаолият таҳлилига тегишли бўлгани боис, инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини корхоналар доирасида ўрганилади. Иқтисодий адабиётларда хўжалик юритиш субъектларида инсон капиталига инвестициялар самарадорлиги бир қанча усуллар билан баҳоланган. Жумладан:

1. Эксперт методи ёки меҳнат ресурсларини сифат кўрсаткичлари асосида баҳолаш усули.

Мазкур усулда эксперталардан фойдаланган ҳолда ходимларнинг сифат кўрсаткичлари,

жумладан таълим даражаси, иш тажрибаси, ижодий ёндошуви каби ҳислатлари асосида, уч босқичда: меҳнат ресурсларини таркибидан келиб чиқиб муҳим сифат кўрсаткичларини аниқлаш; ишлаб чиқилган кўрсаткичлар бўйича муҳимлилик коэффициентини белгилаш; ҳар бир кўрсаткичга балл ажратиш билан баҳоланади[1]. Ҳар бир ходим бўйича ўртacha балл аниқланниб иқтисодий таҳлил амалга оширилади.

Бироқ, эксперт методи ёки меҳнат ресурсларини сифат кўрсаткичлари асосида баҳолаш усули маълум камчиликларга эга бўлиб, улар: олинган натижаларнинг субъективлиги ва ишончлилик даражасининг пастлиги; маълумотларни баҳолаш ва қайта ишлаш тартибининг мураккаблиги билан изоҳланади[2].

2. Инсон капитали қийматини унга қилинган харажатлар асосида баҳолаш методи. Мазкур усулнинг икки: билвосита ва бевосита усулларини таркиблаш мумкин. Билвосита усулда Нобел мукофоти совриндори Д.Тобин томонидан таклиф этилган хўжалик юритиш субъективининг бозор қийматини уни ташкил этиш харажатларига нисбати орқали аниқланган бирлик қ - асосида ўрганиш тавсия этилган. Бунда,  $\bar{q} < 1$  шартида хўжалик юритиш субъекти ходимлари салоҳияти паст деб баҳоланиб, инвестиция йўналтириш самарасиз ҳисобланган ва аксинча.

Бевосита усулда инсон капиталига сарфланган харажатлар, хусусан: ходимлар малакасини ошириш, саломатлигини тиклаш мақсадида санаторияларга, меҳнат шароитларини яхшилаш борасида шаклланган маблағлардан фойдаланилади ва қўйидагича аниқланади (ИК):

$$ИК = КК \times (НС + НФ + МХ + ТХ) / ХС$$

Бунда,

КК – ходимларни нормтив сони, нафар;

НС – ходимларнинг режа ёки ҳақиқатдаги иш ҳақи фонди, минг сўм;

НФ – режа ёки ҳақиқатда моддий рағбатлантириш фонди, минг сўм;

МХ – ходимларни қўшимча маблағлар манбаи ҳисобидан (иш ҳақи, моддий рағбатлантириш фондларидан ташқари) рағбатлантириш харажатлари, минг сўм;

ТХ – ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш, таълим олиш харажатлари, минг сўм.

ХС – ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар.

Мазкур усулнинг ўзига ҳос жиҳати, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида оддий ҳисоб-китоблар асосида инсон капитали қиймати аниқланади. Бироқ, инсон капитали қийматини унга қилинган харажатлар асосида 100 фоиз даражада баҳолаш мумкин эмаслиги ва меҳнат ресурсига сарфлар самарадорлиги бир ҳил бўлмаслиги мазкур методнинг камчилиги ҳисобланади[3].

3. Меҳнат ресурсларини ёллаш ва бўшатиш харажатларини аниқлаш усули. Мазкур усул 60 – йилларда Эрик Флэмхолтз моделига асосан, меҳнат ресурсларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш, таълим бериш харажатларини уларни бўшатиш, хусусан: ходимга ишдан бўшатилгандан кейинги ва унинг меҳнат унумини пасайиши билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбат ўрганилади[4].

4. Ходимнинг шахсий қийматини аниқлаш методи. Бу усул, Мичиган университети иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилиб, унда икки жиҳатга, яъни меҳнат кучларини шартли ва реализация қийматига эътибор қаратилади. Меҳнат ресурсларининг шахсий

қиймати (ШҚ) ходимнинг хўжалик юритиш субъектида фаолият кўрсатиш эҳтимоли ва унга йўналтирилган маблағлар билан қуйидаги ҳисоб-китобларда аниқланди[5].

$$\text{ШҚ} = \text{ХШ} \times \text{ЭИ}$$

Бунда: ХШ – ходимга белгиланган ҳақ; ЭИ – ходимни хўжалик юритиш субъектида ишлаш эҳтимоли коэффициенти.

Шу ўринда, ходимни ишдан бўшаш эҳтимоли (ЭБ)дан келиб чиқиб, меҳнат ресурсларига белгиланган ҳақдан бой берилган қиймат қуйидаги ҳисоб-китоблар асосида аниқланади:

$$\text{ЭБ} = 1 - \text{ЭИ}$$

Меҳнат ресурслари учун белгиланган ҳақдан чегириладиган муқобил харажатлар (МХ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{МХ} = \text{ХШ} - \text{ШҚ} = \text{ХШ} \times \text{ЭБ}$$

Мазкур усулнинг камчилиги меҳнат ресурсларига ҳисобланган харажатларнинг аниқлилик даражаси билан изоҳланади. Чунки, меҳнат ресурсларига харажатларнинг эҳтимолий кўрсаткичлар билан аниқланиши, хусусан ходимнинг ишдан кетиши, унга тўланадиган ҳақ кабилар таъсир этади. Демак, бу усулда хўжалик юритиш субъекти учун юқори малакага эга ходим ҳар доим ҳам муҳим масала ҳисобланмаслиги мумкин.

5. Инсон капитали рақобатбардошлигини баҳолаш усули. Бу усулда хўжалик юритиш субъектининг харажатлари ва юзага келиши бўлган заарлари, жумладан: ўхшаш корхоналарда ходимлар учун харажатлар; кадрлар заҳираси бўйича харажатлар; кадрларни топиш билан боғлиқ харажатлар; янги ходимни ишга қабул қилиш билан маҳсулот (иш, хизмат) сифатини бузилиши билан боғлиқ йўқотишлар каби сарфларни аниқланиши билан баҳоланади[6]. Ушбу усулнинг ўзига хос жиҳати, малакали қадрларга эътибор ва тўланадиган ҳақнинг юқорилиги билан белгиланади.

6. Н.К.Чигораев томонидан таклиф этилган харажатлар усули. Бу усулда муаллиф инсон капиталига харажатларни уч гурухга: иш ҳақи фонди; соғлиқни сақлаш, жумладан: ходимлар соғлиғини сақлаш, тиббий суғурта, профилактик текширувларни ташкил этиш каби харажатлари; интелектуал, яъни қадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш каби сарфларига бўлиб ўрганишни таклиф этган[7]. Усулнинг ўзига хос жиҳати ҳисоб-китобларнинг содда йўналишда олиб борилиши билан белгиланади. Бироқ, тиббий хизмат меҳнат қучларининг сиҳат-саломатлиги билан боғлиқлиги боис, унинг меҳнат қучларига инвестициялар билан бевосита боғлиқлиги пасаяди.

7. Инсон капиталини гудвилл (инглизча – Gooodwill компаниянинг активи сифатида баҳоланиши ва маҳсус ҳисобвараққа киритилиши мумкин бўлган унинг нуфузи) асосида баҳолаш методи.

Мазкур усулга даставвал В. Аллавердиан томонидан асос солинган бўлиб, инсон капиталини башоратлаш асосида ҳисоб-китобига эътибор қаратган ва қуйидагича аниқлашни таклиф этган (БК):

$$\text{БК} = \text{ИХ} \times \Gamma$$

Бунда: ИХ - ходимга режалаштирилган ёки тўланган иш ҳақи миқдори; Г – гудвилл (инсон капитали коэффициенти).

Ушбу усул Г.Н.Тугускинанинг илмий ишларида ривожлантирилиб, инсон капитали қиймати (ИК) унга йўналтирилган инвестициялар асосида қуйидагича аниқланишини

таклиф этган[8].

$$ИК = ИХ \times Г + И \times В$$

Бунда, И-инсон капиталига инвестиция; В-мехнат кучини иш вақти даври, йил.

Г – гудвил (инсон капитали коэффициенти) қуйидагича аниқланади:

$$Г = ИВР + ИВХ + ПК$$

Бунда, ИВР – иш вақтини фойдалилик коэффициенти (Фойда/Иш вақти фонди); ИВХ – иш вақтига сарфлар (Ходимларга жами харажатлар/Иш вақти фонди); ПК – касбий маҳоратини коэффициенти (Таълим даражаси  $\times (1 + (\text{Иш стажи}/4) + (\text{Ходимнинг ёши}/18))$ ).

Мехнат ресурсларининг таълим даражаси, тўлиқсиз ўрта махсус таълимни якунламаганлар учун 0,15; тўлиқсиз ўрта махсус таълимни тамомлаганлар учун 0,6; ўрта махсус таълимни тамомлаганлар ва олий таълимни тамомламаганлар учун – 0,75; олий таълим дипломига эга шахслар учун 1,0 деб белгиланади.

Иш стажининг меҳнат унумдорлигига 4 баробар кам таъсир этишидан келиб чиқиб, у 4 бирликга тақсимланади. Амалдаги Мехнат Кодексида белгиланган тартибдан келиб чиқиб, ходимнинг (аёллар учун 55 ёш, эркакларга 60 ёш) 18 бирликка тақсимланади.

Илмий изланишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга биноан, ижтимоий аҳамиятга эга қасалликлар учун: ойлик иш ҳақининг 100 фоиз (иш стажи 8 йилдан ортиқ бўлса); 80 фоиз (иш стажи 5-8 йиллар бўлса); 60 фоиз (иш стажи 5 йилгача бўлса); қолган вақтларда суғурта бадалларининг умумий иш стажининг давомийлигига биноан тўланиши, Мехнат кодексининг Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади”дан келиб чиқиб, касбий маҳорат (ПК) формуласини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир:

$$\text{Таълим даражаси} \times (1 + \text{Иш коэффициенти} + (\text{Ходимнинг ёши}/16))$$

Бунда, иш коэффициенти, шунингдек таълим даражасини нафақани тайинлаш ва тўлаш тартибидан келиб чиқиб, 1; 0,8; 0,6; иш стажидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ саналади.

8. Келгуси давр даромадларини капиталлаштириш методи. Мазкур моделда инсон капиталининг қиймати уларнинг меҳнат унумдорлигидан келиб чиқиб аниқланади. Шу боисдан, инсон капиталига жами харажатлар уларнинг меҳнат фаолияти давомидаги иш ҳақини дисконтлаш орқали қуйидагича аниқланади[9].

$$\frac{ИХ_1}{(1+P)} + \frac{ИХ_2}{(1+P)^2} + \dots + \frac{ИХ_t}{(1+P)^t}$$

Бунда: ИХ<sub>1</sub>...-йиллар бўйича ходимнинг ўртacha йиллик даромади; Р – иш ҳақини ўсиш даражаси, фоизда; Т-меҳнат ресурсини ишлаган даврлари.

Хулоса қилганда, меҳнат ресурсларини фаолияти дисконтланган қиймат асосида баҳоланади. Бироқ унинг салбий жиҳати, меҳнат кучларини ёппасига баҳолаш имкони бўлмайди.

## ТАХЛИЛ ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Юқорида инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлаш бўйича келтирилган методлар бўйича ягона ёндошувнинг йўқлиги, аниқланадиган кўрсаткичлар тизими бўйича маълумотларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги ёки бухгалтерия ҳисоби ҳисботларида тўлиқ акс этмагани боис, бу боарда иқтисодий таҳлилнинг олиб борилишида муаммо бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини натижавий ва сифат кўрсаткичлари бўйича комплекс таҳлил тизимини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Натижавий кўрсаткичлар: маҳсулот (иш, хизмат)лар сотищдан тушум, маҳсулот (иш, хизмат)лар сотищдан фойда, соф фойда, меҳнат ресурсларини ўртача йиллик сони қабилардан ташкил топса, меҳнат қучларини рентабеллиги, ишдан бўшаш обороти, унумдорлиги, бир

ходимга тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат)лар сотищда фойда сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Юқоридаги кўрсаткичлар тизими асосида инсон капиталига инвестициялар таҳлили қўйидагича амалга оширилади:

Биринчидан, натижавий кўрсаткичлардан фойдаланиб меҳнат ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичлари, хусусан: меҳнат қучларининг рентабеллиги  $R = (\text{СФ}/\text{МК}) \times 100$ ; ишдан бўшаш обороти  $I = (\text{ИБ}/\text{МК}) \times 100$ ; меҳнат унумдорлиги  $MU = (\text{МХ}/\text{МК})$ ; бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат)лар сотищда фойда  $MF = MCF/\text{МК}$  каби кўрсаткичлар йиллар бўйича аниқланади;

Иккинчидан, аниқланган сифат кўрсаткичларини инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини баҳолаш мақсадида уларни бир тизимга бирлаштириб, базис йилга нисбатдан динамик ўзгаришини фоизда ўрганиш ҳисобланади (1-2-жадваллар).

### 1-жадвал

#### Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
<u>Меҳнат қучларини ишдан бўшаш обороти</u>	<u>227,7</u>	<u>203,2</u>	<u>216,3</u>	<u>197,1</u>	<u>161,2</u>
<u>Меҳнат унумдорлиги</u>	<u>12800,7</u>	<u>18300,3</u>	<u>20750,2</u>	<u>24110,4</u>	<u>26191,9</u>
<u>Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат)лар сотищда фойда</u>	<u>5623,2</u>	<u>6127,1</u>	<u>5937,8</u>	<u>6671,7</u>	<u>6911,1</u>

З-жадвал

**Мөхнат кучларидан самарали фойдаланишнинг интеграл ва сифат  
кўрсаткичларини таҳлили (фоиз ўлчов бирлигида)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Йиллар</b>			
	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>
<u>Мөхнат кучларининг рентабеллиги</u>	-10,8	-5,1	-13,4	-29,2
<u>Мөхнат кучларини ишдан бўшаш обороти</u>	0,9	16,2	51,3	59,5
<u>Мөхнат унумдорлиги</u>	42,9	62,1	88,3	104,6
<u>Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишда фойда</u>	8,9	5,6	18,6	22,9
<b>Мөхнат кучларидан самарали фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичи</b>	10,5	19,7	36,2	39,5

Тўртингидан, мөхнат кучларидан самарали фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичини баҳолаш шкаласи бўйича таҳлил этиш. Бунинг учун, қуйид аги баҳолаш шкаласи таклиф этилади:

<b>Баҳолаш критерийси</b>	<b>Натижага изоҳ</b>
1 фоиздан 25 фоизгacha	Мөхнат ресурси “қониқарсиз” фаолият кўрсатмоқда ва унга инвестиция киритиш самарасиз ҳисобланади
25 фоиздан 50 фоизгacha	Мөхнат ресурси “қониқарли” фаолият кўрсатмоқда ва унга инвестиция киритиш паст даражада самара келтиради
50 фоиздан 75 фоизгacha	Мөхнат ресурси “яхши” фаолият кўрсатмоқда ва унга инвестиция киритиш яхши даражада самара келтиради
75 фоиздан 100 фоизгacha	Мөхнат ресурси “аъло” фаолият кўрсатмоқда ва унга инвестиция киритиш энг юқори даражада самара келтиради

Мазкур таклифга кўра, З-жадвалда келтирилган хўжалик юритиш субъектининг мөхнат ресурсларининг фаолияти “қониқарли” баҳолаш критерийсига мос равишда, унга инвестиция киритиш паст даражада самара келтириши аниқланди.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Хулоса қилиб, инсон капиталига инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичларининг кўп тури мавжудлиги билан боғлиқ равишда мутлақ тўғри мезон йўқлигини қайд этиш лозим. Ҳар бир муайян ҳолатда муайян шартларни ўрганиш, фақатгина ўзаро боғлиқ меъзонлар тизимида муваффақиятли қўлланилиши мумкин бўлган энг яхши инвестетсион мезонни аниқлаш лозим бўлади.

Инсон капитали ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги бор. Инсон капиталига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлиги иқтисодий ўсишга таъсир қиласи ва мана шу инвестицион самарадорлик натижасида мамлакат фуқароларининг билим ва қўнималарини кенгайтириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради. Инсон капитали деганда малакали ишчи-ходимлар, иқтисодиётда мавжуд бўлган билим, маҳорат ва тажрибани тушуниш лозим. Малакали кадрлар иқтисодий аҳамиятга эга, чунки ма'lумотли ишчи кучи меҳнат унумдорлигини оширишига олиб келади. Инсон капитали тушунчаси - ҳамма ҳам бир хил қобилият ва билимларга эга эмаслигини англаш лозимлигини, шунингдек одамлар таълимига инвестиция киритиш орқали иш сифатини яхшилаш мумкинлигини аниқ ифода этар экан, демак мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларини тезлаштириш учун энг аввало кадрлар тайёрлаш дастурларини жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда ҳамда ривожланган давлатларнинг илфор тажрибаларидан фойдалангандан ҳолда шакллантириши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 24.01.2020, <http://www.aza.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори
3. Yakischik O.L., Semenkina O.E. Evaluation methods of the effectiveness of human capital use in the organization // Scientific Journal of Siberian State Aerospace University named after academician M.F. Reshetnev. 2010. № 5. P. 155.
4. Hajrullina A.D., Romadanova O.A. Technique of measurement of value of the human capital as intangible asset of corporation // Life science journal. 2014. № 11. P. 19.
5. Maksutina E.V., Makarov A.N. Assessment of economic efficiency of investments into the human capital in modern conditions // Life science journal. 2014. № 6. P. 377.
6. Sakalas A. Evaluation of Human Capital Role in the Value Creation Process // Procedia – Social and Behavioral Sciences. 2014. № 156. P. 78–82.
7. Тугускина Г.Н. Методика оценки человеческого капитала предприятий [Электронный ресурс] // Управление персоналом. 2009. URL: <http://www.top-personal.ru/issue.html?1936> (дата обращения: 13.03.2016).
8. Семенова М.В. Оценка человеческого капитала [Электронный ресурс] // Consulting square. 2014. URL: <http://www.cons-s.ru/articles/88> (дата обращения: 15.03.2016).
9. Чигоряев К.Н. Оценка стоимости человеческого капитала на основе произведенных затрат // Известия Томского политехнического университета. 2008. № 6. С. 54–56.
10. Смыслов Д.А. Построение индикатора человеческого капитала социальных групп // Прикладная эконометрика. 2010. № 2 (6). С. 98.
11. Zakharova O.V., Kovalenko T.V. Evaluation of the influence of the investments in human capital on the general result of the activities of the enterprise // Business inform. 2012. № 4. P. 150.